



Одил ЭГАМ

# БИЛЛУР ДУҚРАЛАР

Шеърлар,  
поэма ва  
тўртликлар

«Хаёт» нашриёти  
Андижон - 2005 й.





Ушбу китобимни падари бузрукворим Сотволди Эгам-берди ўғли, онам Мўминахон, меҳрибон акам Ботирали, опаларим Розияхон хожи, Рислиқхонлар, хусни шаҳодат укам Тоҳиржонларнинг порлоқ хотираларига бааишладим.



### Азиз шеърхон!

Қўлингиздаги ушбу тўплам

- Умримнинг бир куни ҳар битта сўзим,

Ҳар битта бўғини бебаҳо мулким,

Ҳиссим тўлқинлари рукнию вазни,

Ҳар битта харфидир зарби юрагим, -

дея туйғуларини ифодалаган заҳматкаш ижодкор Одил Эгам (Эгамбердиев)нинг болалик, ўсмирлик, йигитлик йиллари кузатишлари мевасидир.

Шоирнинг инсон умри, ҳаёт мазмуни, унинг жамият ва ватан олдидаги бурчлари, гўзалликлар, истиқлол мавзулари - ҳақидаги адабий фалсафий мушоҳадалари Сизни ҳам фикрлашга ундайди.


13-15-05

ҲГ-ЭО-----ША

11-04-05

Одил Эгам. «БИЛЛУР НУҚРАЛАР». (Шеърлар, поэма ва тўртликлар).

© «Ҳаёт» А. - 2005.





## **КҮНГЛИМ ДАФТАРИ**

Ўтиниб сўрайман, она табиат,  
Ҳада этгил бир дам ноёб сукунат:  
Деразамга кўниб ростламоқда қад,  
Чил орзумнинг нозик каптари -  
Очилмоқда кўнглим дафтари.  
Шитирламанг бир зум, қушлар - япроқлар,  
Бўса бермай тулинг сойга, қирғоқлар.  
Тебратмангиз гулни, эпкинли боғлар,  
Учиб кетар ахир дилим каптари,  
Очиқ қолар қалбим дафтари...  
Субҳи сабо, эсма бир пас, тасаддуқ,  
Тиндир бир дам сорни, мовий кўк.  
Сокин ҳислар ҳозир нақадар суюк,  
Хаёлимда гўё новвоти каптар -  
Ўтмишимдан очмоқда дафтар...  
Қўналғамга келмас балки тоабад,  
Заққум ютар балки қалбим беадад.  
Йўқ, қила олмайман ҳижронга тоқат,  
Учирмангиз умрим каптарин -  
Ёпа кўрманг дардим дафтарин.





## **УЙФОНИШ**

Юрак турди уйқудан,  
Лабларида табассум.  
Уқалади кўзин жим  
ва унутди тушларин.  
Юрак турди уйқудан,  
Кўтаргудай Ер шарин.  
Куррамизнинг камарин,  
бобо Қуёшнинг зарин -  
жойлаб олди дилига,  
бир гап келди тилига:  
Мангу отсин порлоқ тонг,  
Истиқполдан уриб бонг!

## **ВАРРАК**

Кўк тоқига тортиб арғамчи,  
Муқом қилар осмонда варрак.  
Думин тортар еллар-алдамчи,  
Чир айланиб бўшайди ғалтак.

Интилади юксак-юксакка,  
Қийқиради шодликдан гўдак.  
Дард солмай деб мурғак юракка,  
Ипни узиб кетолмас варрак.



## **БОБУР**

Мен буюкларни кўрдим кўп буюклардан буюк,  
Ул буюклар ўтдилар бағри куюк, бағри куюк.  
Тирикликда хор эди, ўлганда бўлди кўп суюк,  
Кўчиб қабри турли жойга, бўлди ҳоки қўлма-қўл,  
Ибрат олгил, ватандош, ул каби иззатда бўл.

Тахтига чиққан куни элга бўлди қайғудош,  
Қайғудошу меҳрибон, покиза рўзғорга бош.  
Покиза рўзғорга бош, аммо ўзи ўн икки ёш,  
Бўлди қардошлари ёв, ёқди бошдин тошу дўл,  
Сабру бардошини бил, унга сен ҳурматда бўл.

Кетди мажбур тарк этиб Андижоннинг боғларин,  
Ҳарбу машқда тоблади ул йигитлик чоғларин.  
Ошди дарё, кўлу денгиз, ошди чўққи, тоғларин,  
Отда ўтди тунлари, ортда қолди сахрою чўл,  
Ҳоли қолди ушбу кун, кел дилим, суҳбатда бўл.

Ул Темур насли эди, тоабад бошида тож,  
Ор билан, номус билан топди нияти ривож.  
Кўп қамалларда қолди, сезди анча эҳтиёж,  
Довюррак Ҳонзодахон олди Шайбонийга йўл,  
Инисин кутқарди ул, ул каби хислатда бўл.

Юз ўғирди тоғалар, қочди жангдан нечалар,  
Севгиси бўлди етим, етди оҳи кўк қадар.  
Яна бўлди йўл йироқ, яна бўлди дарбадар,  
Олди Афғонни, кейин қоқди ғолибликда дўл,  
Деди Аплоҳ балки ҳурга: хон учун хизматда бўл.



Сурди ҳиндга лашкарин, бўлди тоғлар бир қадам,  
Сурди эгар қошида шоҳи шоирий қалам...

Олди «Урҳо ур» билан жазирама юртни ҳам,  
Бўлди обод ғайри юрт, бўлди жаҳон ичра гул,  
Шоҳ эсанг, Бобур каби доимо ибратда бўл.

Қайтд у. Анжонига беш юз йил ўтгандан кейин,  
Кўчди қабри учта жойга: «Бул буюкликдан» - , дейин,  
«Ҳинду Қбул, Андижонда ҳоки суюкликдан», - дейин,  
Мустақиллик адли бу, меҳру шафқат бизда мўл,  
Руҳи Бобур яйрасин, эл учун хизматда бўл.

### ***МЕНСИЗ...***

Патила сочларинг  
Тароқ синдирар.  
Қошларинг  
Ўсмага ташна,  
Қулф урар.  
Чайқалмоқда фикринг -  
Тўлғоқли денгиз  
Менсиз...  
Қўйнингдан қўнжингга  
Тўкилди ёнғоқ.  
Ўйларинг ўйнайди  
Гўё жуфтми-тоқ.  
Тополмас саногин,  
Ўлиб борар ҳис -  
Менсиз!..



\*\*\*

Дил оқизоқ қирмизак мисол,  
Қатралар сачрайди  
Гўёки инжу.  
Сачраган ҳар қатра,  
Худди жон тимсол  
Тошларга бош уриб  
Йиғлайди,  
Ёху!  
Бахт улашиб оқар -  
Эмиш тоғ суви,  
Покликнинг белгиси,  
Азалий чўпчак.  
Қанча-қанча оққан  
Ёшларни ювиб,  
Қирғоққа бахш этиб  
Кетармиш чечак.  
Кимларга бир дунё  
Қувонч тутаркан,  
Кимлардир бенасиб  
Қолармиш бахтдан.  
Шу сабаб  
Шаршара  
Йиғлаб оқаркан,  
Бесарҳад денгизни  
Тутгунча маскан!



\*\*\*

Ўсма қўяр бир тўп жажоки қиз,  
Кўзларида,  
Юзларида -  
Расидалик оташи.  
Чўқтирмоқчи балки ошиқларин тиз,  
Қошмас, икки зулук кетар туташиб...

Ана, бири қўйди мийиғига ҳол,  
Шошиб артди кўзгу юзидан доғни.  
Қўйиб кўрди зардўз дўпписини дол,  
Райҳон қучди жонон қулоқни...

Учириб қўйдию биттаси қошин,  
Ўзи ҳам уялиб чопди анҳорга.  
Тиёлмас биттаси кулгидан ёшин,  
Биттаси ёпишар шошиб дуторга.

Расида қуйлари рақам қилар хат:  
- Қанисан, эй тутқич бермас муҳаббат?!





\*\*\*

Йиғлайверсин, қўйинг, юпатманг,  
Дилбандингиз, эй ёш онахон.  
Ширин йиғи лаззатини йўқотманг,  
Гўдак йиғиси ҳам азиз меҳмон.  
Фақат унга билдира кўрманг  
Юракларнинг оҳли доғини.  
Норасида сезмасин, тутманг,  
Уруш тукқан мангу йиғини.

### **ҚУМҚАЙРОҚ**

Қумқайроқ айланар, айланар тинмай,  
Заминга оқади бесаноқ юлдуз.  
Пичоқ, болта, қайчи чархлаш учун шай,  
Юлдуз кўрар бугун бари ҳам сўзсиз...  
Қумқайроқ айланар, сочар юлдуз-қум,  
Ўзидан беҳабар ейилиб борар.  
Бахтиёр-ул чақнаб яшаганичун,  
Бояқиш, аҳдига фидойи қолар...



## **СУВРАТ**

Бир варақ қоғоздай оппоқ булутга,  
Кўзларинг сувратин чиздим, малагим.  
Чизишга чиздиму кетдим сукутга,  
Энди қандоқ кўнгил уздим, малагим,

Юлдузлар қадар олису қош сингари  
Яқин кўзлардан,  
Чақин кўзлардан...  
Чақмоқдай чақнасин, гурлаб қалди роқ,

Кўксимга санчилсин киприк ёмғири.  
Майсалар ундан ранг олсин яхшироқ,  
Камалак чизсин нур-алак паргири.  
Мушк олсин ҳаво,

Дил топсин даво!  
Булутга  
Кутлуғ тонг сувратинг чизиб,  
Кетдим сукутга...





## **БИЛЛУР НУҚРАЛАР**

Нукралар, нукралар, биллур нукралар,  
Кўкдай шаффоф, нурдай тиниқ томчилар.  
Қатрангиз эмибди ҳарир уқалар,  
Мен учун ҳар симоб донангиз гавҳар.

Нукралар, нукралар, шодангиз маржон,  
Ёдгорми ё ёғиб ўтган ёмғирдан?  
Узилар биттадан сақлай олмай жон,  
Ё ўпич олгайми муқаддас Ердан?

Нукралар, нукралар, жоним нукралар,  
Кўзимни ёшлатиб бевақт узилманг.  
Сиз каби санокли оним, нукралар,  
Сизни илғаш ўзи бир бахт, узилманг.

Қатрада севгимнинг кўзини кўрдим,  
Севги эгасининг ўзини кўрдим...  
Нукралар, нукралар томинг бағримга,  
Яхшиямки, сиз борсиз, бахтимга!



## ДАРЗ

Кўнгил мисли минг шамли шиша,  
Синса, ямаб бўлмайти асло...  
Гард юқтирманг, сақланг ҳамиша,  
Кўнгил бўлсин ложувард само.  
Қиёс қилманг тарвуз дарзини,  
Ҳаётдан ул узмиш қарзини...  
Юрак дарзи тарвуз дарзимас,  
Икки дунё унга арзимас...

\*\*\*

Тўқсон тушди,  
Ҳаммаёқ туман...  
Одамлар сийрак,  
Қушлар ҳам  
қурмас анжуман.  
Қаҳратон қурди  
эртаклар шаҳрин.  
Уйда юмушлар,  
олади ақлим.  
Курак созлайман,  
ёғармикин қор?  
Кутаман интиқ,  
Кел деб «Гулбаҳор»...  
Ҳар қуни туман,  
оқшом, тонг маҳал.  
Битик битаман;  
- Туман ҳам гўзал!



## **ИБРАТ**

1.

Қари деб кесдилар ўрик ва тутни,  
Ғўласин ёриб этдилар саржин.  
Кўчиришган эди бир туп шотутни,  
Қуриб қолди айта олмайин арзин...

2.

Мевасининг баҳридан ўтиб,  
Арралашди қинғир бир шохни.  
Сурх чиқарди яраси битиб,  
Яна қинғир қилди бутоқни...





## **ШОТУТ БИЛАН ДАРДЛАШУВ...**

- Бунча рангни қайдан олдинг, малагим?
- Ўтмиш қон айлаган бир умр бағрим...
- Қаддинг дол, айтақол, недан ушбу ҳол?
- Гуноҳим ҳам йўқмас, шундан тилим лол.
- Етилгач, сурмадай қорайганинг не?
- Кўнгли оқ, нурли кўз қиламан, ол, е.
- Япроғинг анжирнинг баргидай қалин?
- Дўлларга чидайман, синмайди белим...
- Минг дардга даво дейишар сени,  
Ерни ўп, дардлардан асраган мени!





## ҚИЗҒАЛДОҚ

Ёрилдию мармар сағана,  
Униб чикди пола-қизғалдоқ.  
Барг ёздию кумуш ёмғирда,  
Тақиб олди шаффоф бир балдоқ...  
Бош тебратди заррадай ёлқин,  
Ўз-ўзимча қиламан талқин:  
Руҳим доим сен билан бирга,  
Қўрқаман, о, қўрқаман, сўнма,  
Ёқ абадий марҳум чироғин,  
Дайди елнинг гапига қўнма,  
Шабадада тўкилиб кетма,  
Мангу олов бўлиб ёниб тур,  
Юрагимдан учкун олиб тур!



\*\*\*

Кутиш деган изтиробли он,  
Кўтарилди шу пайт ўртадан.  
Кўчгансимон гўёки бўрон,  
Майдон узра жонланди одам...  
Бургутмисол тайёра қўнди,  
Умид ели кучди ҳавони.  
Тутди шу он йигит-қизларнинг,  
Шўх кулгуси еру самони.  
...Қўлида гул, қайтади кампир,  
Узоқ йиллар юраги доғли.  
Ном-нишонсиз кетганди ахир,  
Ўзга юртда жанг қилган ўғли...

\*\*\*

Сутга чайилгандай гўзалсан,  
Оқ ойдиндай қалбинг музлама.  
На ширинсан, нада асалсан,  
Севолмайсан, ёлғон сўзлама.

Юлдуз синар дарё бетиди,  
Ҳилол каби қалбим синади.  
Билиб қўйки, дарё четида,  
Битта йигит... сени севади...





## СЕЛ

Йирик-йирик томчилар тушиб,  
Шаррос қуйиб юборди жала.  
Ўзни урди ёпиққа шошиб,  
Тупроқ бўлиб кетди атала...

Чуқур-чақир декчалар каби,  
Қайнатади гўё чучвара.  
Кўринмайди анҳорнинг лаби,  
Қалдироқ ҳам тортади наъра.

Қирдан келди бирданига сел,  
Ваҳимада қолди қишлоқ - эл.  
Тош-метиндан бўлган қўғирма,  
«Қора дев»ни олди томоқдан;

- Ҳаддан ошма, бўлди, югурма,  
Дея «чолди» селни «оёқдан».  
Ёв қолгандай гўё қамалда,  
Ёввош тортди сел ҳам каналда...



## ҲАҚИҚАТ

Чулдиради тўрғай ҳам мана,  
Чигирткалар нағмаси тинди.  
Мўралади ҳақиқат тонги,  
Қаро туннинг мугизи синди.  
Атиргулдан таралди ифор,  
Кўкрагимга «калла қилди» ел.  
Ҳеч не сиғмас, дил қақшарди зор,  
Манглайимда пайдо совуқ тер...  
Тонг ҳумоси тўзғитади пат,  
Кундай порлар, балқар ҳақиқат!

\*\*\*

Абадий шараф,  
    абадий ҳайрат,  
        абадий шафқат,  
            абадий нафрат...

Абадий раҳмат  
    ҳамда надомат  
        Сенга - Муҳаббат!



## **ДАСТУРХОН УЗРА**

Майиз:

- Қирқ кишига етгайман танҳо.

Олма:

- Қирқ киши мастдир бўйимга.

Ўрик:

- Қоқимни қайнатинг қирққа...

Барчаси бебаҳо,

ҳа, шундай, гоҳо -

мақтана-

мақтана

мевалар толди.

Ликобда

пистанинг оғзи

очи-ли-бб қолди...

\*\*\*

Катта эди унинг одими,

Икки дунё эди бир қадам.

Тотмаганди севги тотини,

Тетик, ўктам ва шўху шахдам.

То охири етиб борди у,

Қадамида янчиб газанда.

Пойи узра тут тўкилди дув,

Бир оёқда уйга қайтганда.



## ТАШНАМАН

Қаршимда қари ер, қария осмон,  
Бошимда буржлардан ўғирар тасбеҳ.  
Ой-чети тишланган патирни ҳамон,  
Юз кўйга солишиб тунлар улғирар...

Кундузи бошимга нурли қиличин,  
Бир уриб синдириб олди Қуёш ҳам.  
Қуюнлар устунни кўрсатиб кучин,  
Уммонга қулади, дод солиб шу дам.

Мен-ку келмаганман кўҳна дунёга  
Тайёр боғдан мева термаклик учун.  
Қўлимни урдимми сирли рўёга,  
Бўлиб кетсам майли ўзим ҳам учкун.

Кўксим ости, билсанг, бир жаҳон ўзи,  
Жасаддан айрилиб, руҳга ошнаман.  
Тоабад эзгулик йўлида йўлим,  
Тоабад яхшилик - нурга ташнаман!



\*\*\*

...Яхшиликка ёмонлик деган,  
Ёмонликка яхшилик қилгил.  
Бу қандайин ақида экан,  
Наҳот Инсон шунчалар бахил?!

Бахил қилдинг ўзингни, дўстим,  
Одамлардан қизғондинг ишқинг.  
Сиртдан хурсанд турардингу жим,  
Дилда исён қиларди рашкинг.

Сен кимгадир мурувват қилиб,  
Бошқа дилни қўйдинг-ку тилиб...

### **УФҚ ОРТИДА...**

Муштанмаса хамир пухтароқ,  
Оқиб кетар тандирда нонинг.  
Пояфзал гар эмас лойиқроқ,  
Куни билан оғрийди жонинг.

Ҳар нарсага бордир бир меъёр,  
Ширин қилиб егил топганинг.  
Ҳар сафарга сўнгни манзил бор,  
Беҳудадир бекор чопганинг.

Уфқ ортида уфқ бўлмайди,  
Сени, мени «еб» Ер тўймайди...



\*\*\*

Яшин урди кекса бир тутни,  
белидан узилди-кетди.  
Қоя босди гўё бургутни,  
ер сатҳи ёрилиб кетди -  
даҳшатли зилзила этди.  
Ўрнига экилди ниҳоллар қатор,  
Бир жуфт тут ҳам экиди танти боғбон.  
Гуллайверди ҳаёт.  
Бироқ пурвиқор -  
Йўқ эди кекса чароғбон...

### **БОҒИ ЧЎЛПОН**

Боғи Чўлпон равзаси-равзаларнинг равзаси,  
Бир ажиб хилқат-чаман сабзаларнинг сабзаси.  
Ҳайкали ҳам мақбари бўлди мраммрдан бино,  
Очди кўз бир машварат-шоирларнинг давраси.  
Оталар чойхонаси доимо гавжум экан,  
Қалбингиз мафтун этар қуш-қумрилар нағмаси.  
Мозию ўтмишидан ҳикоят қилгай музей,  
Дилда бергайдир садо-гўё ўтмиш наъраси.  
Анджонсой ҳайқириб, боққа олқиш айтади,  
Дур сочар мавжи билан томчиларнинг зарраси.  
Бул чаман мустақиллик жаннатидан бир нишон,  
Шул сабаб яйраб ичар сув дарахтлар навраси.  
Бунда шодлик, бунда куй, аския, хониш билан,  
Дилга роҳат бахш этур шўх базмлар палласи.  
Дамлагил, Одил Эгам, кўк чой билан гумбаз палов,  
Аста-аста, аста куй, элтсин дилни май қатраси...



\*\*\*

Яшил майса -  
Жажжи найза  
Йилт этган нурга  
Йўғрилди.  
Жилоли дурга  
Чўмилди.  
- Баҳор яқинми?  
- Яқин, яқин...  
- Шу гапинг чинми?  
- Қара, чақин...  
Ёмғир, аёз, қор  
Кўмди майсани.  
Рангни йўқотмай,  
Совуқда қотмай -  
олишди қишман,  
зулматдир - душман.  
Она ер тафти,  
Қорни эритди.  
Сабрнинг забти  
Эркаликни элтди.  
Қиш «уни» ўчди,  
Яловга кўчди -  
Энди яшиллик!



## **ҲАСБИ ҲОЛ**

**1.**

Йилим-Балиқ, роббим - Холиқ, Одилжондир шарифим,  
Аждодимдир Худойберди, айтсам знам таърифин -  
Таъби назмий Курбонайди, дадам Сотволди кўнчи...  
Онагинам Мўминахон эртақларга шоҳойим.

**2.**

Опам - Рислиқ, Ўғилхону Қундуз, иним Тоҳиржон,  
Бир умрга қўшилганим-сувратдаги Тўтихон.  
Ўғлим - Неъмат, Шавкат, Раҳмат, катта қизим - Фазода,  
Умидахон, Нуридийда, Гулдийдалар бир жаҳон...

**3.**

Болалиқдан эдим чанқоқ билим деган чашмага,  
Бир томчиси тегиб қолди мен чанқаган ташнага...





## МУНАВВАР ЭТДИ

Гулга кириб Андижон, дилни мунаввар этди,  
Олча гули чашмима шифонур гавҳар этди.

Ҳилол қошлар ўсмадан, наврасига сув олди,  
Жоду кўзлар ушшогин яна дарбадар этди.

Ё кўндими қалдирғоч биллур пешона узра,  
Лола ёноқда ширмон, ой юзни дилбар этди.

Наврўз ўлди ҳар куним, кўксим чаманзор ўлди,  
Бободехқон элимга комронлик назар этди.

Дала-тузда кўш оши, ҳовлиларда сумалак -  
Чимилдиқда барқ уриб, чигитни садбар этди.

ДЭУ чорпо ўлкаси оламга машхур ўлди,  
Мартабай олийни Юртбошим сарвар этди.

Наврўз наҳоридирсан, мангу баҳодирсан,  
Одил Эгам шеър битиб, зарига заргар этди.



## ОЙИМҚИЗ

Кетмон тутган ойимқиз, баҳор келди сизга ҳам,  
Муҳаббатдай беғубор, наҳор келди сизга ҳам.

Гул таҳинг чеккангизга, ороланинг бир нафис,  
Сездирмасдан беозор ёр-ёр келди сизга ҳам.

Изингиздан гул униб, ҳиссиётлар барқ урди,  
Вафо деган диловар бир ёр келди сизга ҳам.

Тунни тонгга улайди висолингиз ҳажрида,  
Малҳам бўлинг дардига, бемор келди сизга ҳам.

Жийда буроғидан маст Жийдакапа йўлида,  
Юлдуз санаб тонг қадар бедор келди сизга ҳам.

Уйингиз билиб кетди, ўйингиз билиб кетди,  
Совчи билан пинҳона бир зор келди сизга ҳам.

Одил Эгам бахтингиз тилаб дуо қиладир,  
Яйранг, севги деган бир гулзор келди сизга ҳам.





## ШУКРОНА

Оч эмасман, шукрким, битта нон қўйнимдадир,  
Боққали қурбим етар, рўзғор бўйнимдадир.

Тер тўкиб қилдим макон, мардикорга йўқ ҳушим,  
Барчасин қилдим ўзим, ўзлигим кўнглимдадир:

Тортдим-а дардим ўзим, ҳозиқ-ҳаким даркор эмас,  
Ўрмалаб ошдим довон, қанча қир олдимдадир.

Мен ювиб-ялқаб, ямаб, эскини кийдим мудом,  
Янгиси ҳам йўқ эмас, ўтмишим ёдимдадир.

Уйладим ҳам жойладим қиз-ўғил фарзандларим,  
Доимо ҳамдарду дардкаш-қўшганим ёнимдадир.

Қолмадим пою пиёда, от-муродим йўқ эмас,  
Чорпо минсам ярашгай, бу удум қонимдадир.

Ношукурлардан инжиб, тошдинг тўлиб Одил Эгам,  
«Дил баёру даст бакор<sup>1</sup>» ҳар дафъа, ҳар онимдадир.

---

<sup>1</sup> Баҳовуддин Нақшбанд ибораси:  
«Дил - худода, қўл - ишда бўлсин».



## УСТАКОРДАН ҚОЧ

Устакордан қоч, бўтам, маликаи айёрдир,  
Қирқ минг харга юк бўлган баҳонаси тайёрдир.

Паривашдир чиройда, қўйдаёй ёввош киройда,  
Тўлғонса-да қўйнингда, унинг кўнгли сайёрдир.

Кўриб туриб сўрайди: «Нима қипмоқчисиз?» - деб,  
Тавсифда доим мавҳум: на дўстинг на ёрдир.

Тил учида асалу кичик тилида заҳар,  
Айри тилида оғу, кўзга кўринмас мордир.

Ўрмалар ришталарда, тешиб чиқар гўшакни,  
Ногоҳ қулоғин қоққан, бегуноҳ ҳам хумордир.

Дўстингни ҳам дўсти бор, сиринг дипингда сақла,  
Сен ғафлатда, сир «кавлаб» ишонганинг бедордир.

Икки бор сўрса ҳолинг, билгил, кулар устингдан,  
Сен ақлда заифу ошнанг кўп устивордир.

Пул сўраб бир синаб кўр, юз-кўзи ўзгарарми,  
Қовоқдан қор ёғарми ё ҳамиша баҳордир.

Оқил бўл Одип Эгам, бу дунё ажаб экан,  
Ўз фикрингга таянгил, токи ақлинг саркордир!



## **ЎЗИ ҲУНУК**

Сизни ҳунук деганнинг ўзи ҳунук,  
Гўзал кўзни кўролмаган кўзи ҳунук.  
Истарангиз иссиқлигин қайдан билсин,  
Хулқи ҳунук одамнинг сўзи ҳунук.

Ўзи ҳунук, сўзи ҳунук, кўзи ҳунук,  
Ширмон юзни кўролмаснинг юзи ҳунук.  
Бу қўлларнинг нон ёпишин кўрмабди у,  
Енг шимариб ер чопишин кўрмабди у.

Игна билан ангишвона тутса агар.  
Минг чеварга ўт ёқишин кўрмабди у.  
Сизни ҳунук деганнинг ўзи ҳунук,  
Кўзи ҳунук, юзи ҳунук, сўзи ҳунук.

Одил Эгам, қалбинг сўқир-басирмисан,  
Дўндик қолиб, сохталарга асирмисан.  
Дили гўзал, тили гўзал қиздан қолиб,  
Ширин ҳаёл сурмоққа ҳам арзирмисан?

Сизни ҳунук деганнинг ўзи ҳунук,  
Кўзи ҳунук, юзи ҳунук, сўзи ҳунук...



## **ДИЛГА ЖО...**

Ўзим билмам, не яйрар, дилгинам таронаси,  
Кўз олдимда намоён бир чаман тўйхонаси.  
Гул гўзал, япроқ гўзал, жумлаи олам гўзал.  
Уй гўзал, хонам гўзал, гўзал бахт остонаси.

Рақс этур кўксимда нур, кипригимда қатра дур,  
Бу севинч йиғисиму, шодлигим дурдонаси?  
Қай бири, билмам, бу тонг; уйкуда кўрдимми туш,  
Ё ҳаёл аста элитди: боғи эрам афсонаси...

Не десам, қалбимга жо, иззатим ўрнидадир.  
Ёки армонимга бул лаҳза ишқ баҳонаси?  
Кулди бахт, Одил Эгам, қолди зурёд номинга,  
Очиқ эркан, қувонгил, толеинг пешонаси!



## **КУТАР**

Бергил оро ўзинга, интизор ёринг кутар,  
Тўйгали дийдоринга, энтикиб зоринг кутар.

Орзикиб сой бўйида тош санар, қумлар санар,  
Оҳ уриб ҳарсанг қучиб, девонаворинг кутар.

Ул ширин туйғудадир, ишқ чўлида дарбадар,  
Суҳбат айлар хас билан хастадил хоринг кутар.

Кечди ҳижрон баҳрини, фарқ бўлиб ғам кўлига,  
Қўл чўзиб истар нажот, бир умидворинг кутар.

Бас қил аразни, эркам, ўсма қўйгил қошинга,  
Юзларинг ой нурига юв, номусу оринг кутар.

Шод этиш ошиқ дилин мард маъшуқа аҳдидур,  
Севмак иймондан экан, дини чаманзоринг кутар.

Бағрига босгай сени, чилвир сочинч бўйнига сол,  
Қўлга олгил жиловни, йўлдаги норинг кутар.

Бир умр сенга ҳамроҳ, бахт тилар Одил Эгам,  
Шошгил истиқболига, ёри вафодоринг кутар.



## КУЛГАЙ

Суйдим десам, дилором мийиқда кулгай,  
Қош чимириб, кўзлари қийиқ-да, кулгай.  
Юзлар жиддий тус олиб, қимтиниб лаблар,  
Хандон отишдан ўзни тийиқда кулгай.

Дурра учини тишлаб, бурилмай андак,  
Хуркак оху мисоли сурилгай андак.  
Лола ёноқларида бўртибди «қантак»,  
Ишқинг алангасида қалб куюкда кулгай.

Гуноҳим не, менга ёр муштин кўрсатар,  
Рашким кўзғатиб менинг дўстим кўрсатар,  
Баҳона билан «етти пуштим кўрсатар»,  
Буюклардан ҳам буюк, буюкда кулгай.

Кириб келди уйимга тушимда бир кун,  
Парвоз этардим қушдек тушимда бир кун.  
Одип Эгам ўзини йўқотди бутун...  
Умидим шу: ўнг келиб суюкда суйгай...





Одил Эгам оиласи.



Одил Эгам турмуш ўртоғи Тўтихон ая билан.



**Ижодкор қадрдонлар.**



Табиат огушида.



\*\*\*

Ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига,  
Учма душман сўзига, ўз ёринг кўп гўзалдир.

«Айби» қашшоқлигида, қалбининг оқлигида,  
Ақлда тоқлигида, ўз ёринг кўп гўзалдир.

Ҳеч кимдан кам эмассан, фарзандим йўқ демассан,  
Маскандан ғам эмассан, ўз ёринг кўп гўзалдир.

Фикринг тортдими симбар, бир ҳавасдир у дилбар,  
Кутар уйда санувбар, ўз ёринг кўп гўзалдир.

Ўткинчи муҳаббатдан қоч, беҳуда суҳбатдан қоч,  
Ифвою тухматдан қоч, ўз ёринг кўп гўзалдир.

Ёрдан айрилган ёмон, айров қўймайди омон,  
Одил Эгам сен томон, ўз ёринг кўп гўзалдир.



## **БИЗГА-ЧИ?**

Барчага гул-гул боқурсиз, бир боқишдан бизга-чи?..  
Фамза бирлан қош қоқурсиз, қош қоқишдан бизга-чи?

Ипга боғлиқ қирмизакдай қалқиб оқурсиз сойда,  
Боғланиб жон риштама, дилга оқишдан бизга-чи?

Олмангиз, майли, инобатга мендай телбани,  
Бори элга ўт ёқурсиз, ўт ёқишдан бизга-чи?

Сиз ўзингиз гул магар, бағрингизда даста гул,  
Битталаб гулни отурсиз, гул отишдан бизга-чи?

Бўлмагай кам бўсадан бул пари рухсорингиз,  
Фойибона лаб сўрай, бир тотишдан бизга-ча?

Боғда арзон бўлди гап, қашшоқдир Одил Эгам,  
Қўрқадирман насядан, нақд тотишдан бизга-чи?





## **АЙИРДИЛАР...**

Юракдан гул тутган дўстларим,  
Иқбол тилаб ўтган дўстларим,  
Ўйишгандай гавҳар кўзларим,  
Сени мендан, мени сендан айирдилар...

Товуши йўқ ўқлар отишиб,  
Гўшаклардан гаплар сотишиб,  
Мени кўрса тошдай қотишиб -  
Сени мендан, мени сендан айирдилар.

Пешонамга ёзилганиму,  
Ўлмаё гўрим қазилганиму.  
Кўнгил ипи узилганиму -  
Мени сендан, сени мендан айирдилар.

Йиғламагил, худога ёрмиз,  
Одил Эгам қўлласа, бормиз.  
Ниҳон дард номусу ормиз,  
Сени мендан, мени сендан айирдилар.





## ОЙ ЮЗ

Мен булоққа етганимда, бир из келиб кетган экан,  
Ёлғизоёқ йўл билан бир қиз келиб кетган экан...  
Чашмага сўйлаб тушин, жилға бирлан сирлашиб,  
Сурма босган ул қаро кўз келиб кетган экан.  
Лабларидан бол томиб, қирғоқ бўлиб шаҳду шакар,  
Куйлаб ишқий эртақ ширин сўз келиб кетган экан.  
Титради барглар қошимда ушбу ташрифга гувоҳ,  
Кеч келибман, аттанге, ой юз келиб кетган экан.  
Чашми гирён чашмадир, бениҳоят нолалар,  
Излабон балким мени махсус келиб кетган экан.  
Қўл-оёғида занжир, бул камина қул эрур,  
Ваҳ ажабким, мендайин, «махбус» келиб кетган экан.  
Сен булоққа чай юзинг, шул висол, Одил Эгам,  
Токи умидингга ор-номус келиб кетган экан.







## **МИНГАДАН БИТТАДИР**

Қиёматли дўст борми дунёда?  
Уфқ қадар борурми пою пиёда?  
Зийракми, бир нигоҳ ҳатто имода?  
Мингтадан биттадир бу каби улфат.

Гурбатда билингай ҳар қандай улфат,  
Ташлаб қочмаса, тушганда кулфат,  
Бўлмагай ундаги сенинг мусибат,  
Мингтадан биттадир бу каби улфат.

Ошнолар бўлур ошнога ошно,  
Ошнолар бўлур ошу нонга ошно,  
Ошнолар бўлар мошинангга ошно,  
Мингтадан биттадир ҳақиқий улфат.  
Баъзиларнинг кўзи сенинг ёрингда,  
Баъзиларнинг кўзи йўғу борингда,  
Муғомбирнинг кўзи номус-орингда,  
Мингтадан биттадир бул сифат улфат.

Устакордир маълум тоғнинг лоласи,  
Зоти не дўстингнинг ота-онасин,  
Асилзодадан танла ҳақиқий улфат.  
Етти пуштинг сўрса, ўкинма, болам,  
Камбағаллигингда ўксинма, болам,  
Одил Эгам паноҳдир бошингда, болам,  
Мингтадан биттадир ҳақиқий улфат!



## ЖАСУР

### Достон

*Жонон бўламан деб  
хаммани куйдирасанми,  
Куйган бу фақирларни  
яна ёндирасанми?*

*Жасур*

Тонг отди.  
Оплоқ тонг,  
Биллур бадан тонг.  
Донг қотди -  
ногаҳон,  
уйқуга  
тўёлмаган онг.  
Офтоб нури -  
мушук мўйлаби -  
Тоғдан отиб,  
тилларанг пайкон  
Қиялаб ёйилур -  
Ёввош ғазабиди...  
Кокилинг  
тарамиди,  
тилло қўштароқ.  
Майсадан  
новвот шудринг -  
сочга кўчароқ.  
Дилимга  
ҳам сокин  
оқади,  
бугун кун чиқиш...  
Зарҳал соҳиллар,

тўлғонма, кокил.  
Шапати  
уради  
қизғанчиқ анҳор  
сарҳад бетига.  
Тўзир заҳил  
шовванинг пати.  
Кифтига  
тўн ташлаб  
икки мажримтол  
наҳор -  
хор,  
дилхун туради.  
Очдим «фол»:  
бири асли  
серсоч бир дарахт.  
Билурсан  
бирисин  
айтсам-айтмасам.  
(Не бўлурди  
ахир,  
оғир кунларга  
қайтсам-қайтмасам...)  
Дарбадар иқбол,



қалбида пурғам -  
қийноқлар  
зарбидан  
бир умр карахт.  
Серсоқол ияклар...  
мажруҳ бир дарахт.  
Энтикма,  
ижодкор.  
Титрама  
пардай.  
Кўз тикма  
ҳаётга  
ҳаловат бордай...  
Беором яралдинг.  
Ёзиғингда шул.  
Беозор  
кунларинг  
саноқли йўлдир.  
Қадимга боққилу  
идрок этақол.  
(Тиконсизмас  
ахир атиргул...)  
Дурбекми йиғлаган,  
Сайёдий балким.  
Дил қитиқлаган  
Лутфийнинг  
зурёди балким.  
Бефарёд ўтдими  
Амир Алишер  
Фирдавсий етдими  
тилло улушга?  
Юртидан дарбадар  
Фурқату Бобур,

улгурдими  
ўн йилгина  
ўйнаб-қулишга?  
Эссизгина  
чавоқланган  
бобом Худерди.  
Бўлиб кетди,  
юртига ўлпон -  
Қодирий, Усмон,  
ҳазрати Чўлпон...  
Бувим дерди:  
- Дунё  
шундоқ яралмиш.  
Ўкинма, асло -  
шошилишда  
бўлган иш:  
хом гишт -  
пишиқ гишт...  
Туғилдингми,  
яшашга  
мажбурсан.  
Танламас ўлим  
хоҳ соғ,  
мажруҳсан.  
Қўзиқорин,  
оз яшар.  
Ё чириб битадир,  
ейилур ёким.  
Қалдироқ  
ва чақмоқ,  
бўрон ва найсон,  
ернинг тўлғоғи.  
Қор-ёмғирсиз



чиқмас -  
кўкат қулоғи...  
Бил, ул замбуруғ -  
эмас беабас.  
Солмаса ҳамки  
куррага доврўғ,  
бурчин оёқлар.  
Борки сўроқлар...  
Булбул инида  
очилган читтак,  
сайрай олурми  
унингча қиттак?  
Шоирлик - неъмат -  
ҳар кимда ҳам йўқ.  
...Мевали дарахтга  
отилган тошдай...  
(Эҳ, ҳаёт!  
Очиб қўйдинг  
кўзимни мошдай...<sup>1</sup>)  
Шоирга тош отарлар,  
шоирга ўқ отарлар...  
Давр - бир кема,  
Тўлқин тебратур.  
Баъзан вақт ҳам  
Арғамчи.  
Арғамчи-қамчи.  
Ёки беланчак  
Қовурғаси у.  
Ёки ҳалинчак.  
Бешикка қўлбоғдир,

---

<sup>1</sup> Шоир Ўтбосар Мирзаевдан.

мол, қўйга боғлов.  
Чодир ва ўтов -  
Арқонда боғланур.  
Арғамчига қил қувват,  
Дарбоз равон йўлидир.  
Сув олганда дўлобдан,  
Кудуқнинг ўнг қўлидир.  
Чилвир қўлинг боғлайди,  
оёғингга фаллоҳдир.  
Арқон бўйин танламас,  
гуноҳли-беғуноҳдир.  
Вақт арқон бўлмаса,  
(Кечир, хато кетсам гар,  
Чин таянчим

Аллоҳдир...)

Бўри билан Қўзичоқ,  
кунин бошга соларми?  
Ҳеч жаҳонда кўмганни  
яна ковлаб оларми?

\* \* \*

«Мен ҳам  
ота-онамни,  
суюнтириб келганман.  
Бўлгунимча бир одам  
куюнтириб келганман.  
Нур эмганман  
офтобдан.  
Сиямай ўзига отам -  
ишонмай  
ер-қўкка онам  
Ватан қилган бағрини.  
Қилиб беришмаган бай -  
тирикликнинг нархини.



Одам эдим мен ҳам -  
Умидли инсон.  
Бир кишидан эмас кам,  
танда ортиқ эмас қон!  
Тўлиқ эди менинг ҳам  
муштдай миям қатиғи.  
Тортиб қолдим,  
Найлайн -  
Шум тақдирнинг ётиғин...  
Кунлар ўтиб борарди,  
бармоқларда  
тасбеҳдай.  
Ният қилдим субҳидам  
одам боласи борки,  
босган изим босмагай...  
Киши ўтин ёрарди,  
Эҳ, у кунлар ғурбати  
Тилдан тойсанг,  
тоймасанг -  
ўтмай лаҳза муҳлати  
авахтада ётардинг,  
тошда тошдай  
қотардинг...  
Тонг отарди  
мармар тонг.  
Тўнган  
ариқ лаблари.  
Қилич-новдага қўнган,  
булдуруғнинг гуллари.  
Тонг отарди,  
бахмал тонг -  
завод узра илк бонг...  
Ютганим ўзимники,

чайноқ ноним оғзимда.  
Тушим бўлганди чакки,  
дилгирлигим бўғзимда.  
Киймай бир пой  
пайпоғим,  
ола кетдилар сўзсиз,  
боғлаб қўлу оёғим.  
Найнов, сариқ толибга -  
тиркаб, ниқтаб итарди.  
Солишгандай қолипга  
муштлаб, тепиб кетарди.  
Бири қўли қалтираб,  
ён дафтарим титарди.  
Ичак-чавоғим ағнаб,  
дўқирларда ихрардим.  
Мен ҳам отилиб кетдим.  
Деб ичимда йиғлардим...  
Қўлларимни ечишди,  
дўнғалаклар олдида.  
- Вагонга! - дўқ этишди  
ўраб соқчи-олтита.  
«Кимсан?»- дея  
сўрамай,  
Эшелонга босдилар.  
Бўйнимга «маҳбус»  
деган -  
Қора тамға босдилар...  
Силкиб-селпиб  
«қора от»,  
тушди «Чатоқ-чатоқ»қа...  
Билмас эдим кўплардай,  
Кетаётганим қаёққа...  
Сим тиканли туйнукдан,



юмронларга боқаман.  
Хира қуёшла бирга  
гўё сойда оқаман...  
Ана телба кезуқлар,  
даштда кезиб юрибди.  
Бир ўрқачли нортуя,  
Янтоқ кавшаб турибди.  
Ўтиб кетди югуриб,  
Қулоқ, думсиз олапар.  
Ғижинаман тупуриб,  
Ҳатто итда ҳам эрк бор...  
Томоғимда тошёнғоқ,  
Маҳбусларга боқаман:  
Бўйинбоғи қийшайган,  
бу аллома ким бўлди?  
Анов ориқ, шумпайган  
йиғлаётиб не кулди?  
Манов пакана киши  
танишимдай кўринди.  
Хотирам ҳам ўлдими,  
эслашга кўп уриндим...  
Оёғин қўлтиқ омон,  
қилиб ўтирган у ким?  
Бошида йўқ ҳеч бир соч,  
қулоқчини кўлида.  
(Поезд борар,  
«тақ-тақ»лаб  
сўнгсиз темир йўлида...)  
Ўрта яшар кимса ким,  
Дазмол урилган шими -  
йиртилиб бўлган ғижим...  
Жим, жим, жим,  
Қурашади ғоялар,

Етмас эслашга кучим,  
ёддан қочар соялар.  
Кўздан қочар,  
қоялар...  
...Чўчиб очдим кўзимни,  
Поезд ҳамон борадир.  
Аёз ялар юзимни.  
тупуқларим қорадир...  
Туйнуқдан боқиб кўрдим,  
Кўзим англамас ҳеч не.  
Ўтирдим, юрдим,  
турдим,  
қотиб қолмайин деб...  
Тонготарда вагонлар,  
тоғ оралаб йўртдилар.  
Неча мўри, туз конлар,  
ичра шўнғиб ўтдилар.  
Фарҳод доғи дилимда,  
Демам, келдим  
Ширин деб.  
Арманистон йўлимда,  
ястанар,  
не келдинг деб...  
Ўпкам тўли -  
тўлиб бораман.  
Сочим бир-бир -  
Юлиб бораман.  
Қораман,  
ўлиб бораман...  
...Тўхта, Жасур!  
Бу не тушқунлик?  
Жа сур, кўрқоқ экансан...  
Тур!



Дунё беш кунлик,  
юрак бор,  
итда ҳам битда.  
Ўзингни тут,  
бугунинг кетди,  
эртани кут.  
Бағринг бут.  
Аламинг ют,  
эркаксан, ахир.  
Кўксингни тут -  
ёвнинг ўкига.  
Титрама хазир,  
соқчи дўкига.  
Бир таваллуд,  
бир ўлим.  
Танламас, ажал:  
шоиру олим.  
Мен ризомасман,  
ёлғон гапирсанг.  
Танга аъзо эмасман,  
ёвга сўз берсанг.  
Юрак, тугён,  
ақл, идрок -  
мунозарада.  
Оғиз, лаб,  
тил, томоқ  
қуриб боради...  
...Бир кишилик хонага  
иккиталаб тиқишди.  
Гўё сопли понага  
мих ҳам қоқиб чиқишди.  
Ким бу  
инграётган?

- Сув!  
Қонга беланиб ётган -  
эзилган оёқлар,  
ириб оқади.  
Мижгонда қотган  
кўй кўз боқадир.  
Танидиму  
дод деб юбордим.  
Ҳайҳот! Ҳайҳот!  
Ёху!!!  
Нечук бунча,  
хўрлик, мавлоно?  
- Жим!  
Гапирма! Мумкинмас!  
Қизил соқчи ўкирар,  
Уқаланди тишларим,  
Ичимда ит бўкирар...  
Мажақланган  
шоирнинг бути.  
Чавақланган  
улус бургути.  
«Олча» деб  
шеър битган,  
бир олам  
маъно беркитган:  
«Фикримда айланар,  
бутун ер шари»...<sup>1</sup>  
Ажаб ўхшатиш,  
ажиб сифатлаш.  
Ярми қизил, ярми сариқ,  
дейиш

---

<sup>1</sup> Ҳасан Пўлат шеърдан.



жиноят эмиш -  
олчани.  
Биларди шоир бу элни,  
қонга ботганин.  
Шўролар оғзидан  
лахта қон  
оқиб ётганин.  
- «Халқ душмани!» дея,  
Калтакладилар.  
- «Халқ душмани!» дея,  
Данак чақдилар -  
Шоир бошида.  
Оёқларин  
уриб эздилар,  
арман тошида...  
Яна ул сотмади,  
Хазрат Чўлпонни.  
Бир сўз қотмади,  
Сўрса Усмонни.  
Сохта гувоҳ бўлмади,  
Қодирий учун.  
Бўхтон имзо қўймади,  
Ботулар учун.  
Қўрқитдилар,  
хурқитдилар,  
Сохта ҳукмлар ўқиб -  
отувлар учун...  
Ана шундоқ  
сўроқда  
қилдилар чўлоқ,  
Юртдан йироқда -  
- Жасур,  
жасурлик қилгил.

Мендай ҳур  
бир фикр бўлгил.  
Тонг отмади,  
узоқ тонг.  
Ой ботмади,  
улимади бонг.  
Иккисин суҳбатин -  
тинглаб деворлар,  
тошлар тўкилди.  
Қолганин айтишга,  
етмайди кучим.  
Юрак-чоклар сўкилди...  
Яратган Эгамдан  
Совға тун-кунлар.  
Тонгларнинг қораси  
бўлмаган азал.  
Орзиқиб яшаркан,  
инсон боласи,  
кулар ва йиғлар...  
Оқ каптар сингари  
субҳидам гўзал.  
Аммоки бу тонгни  
қора атайман.  
Аламлар ўймақда,  
бу қашшоқ онгни.  
Ичимда чопмоқда  
ғамлар кўпкари.  
- Тўра Зокиров,  
сўроққа!  
Ўтиргандай бўлди,  
Жасур ўроққа...  
Тамаки тутуни,  
туманли хона.





Миз ва курси,  
қийшиқ  
эшшак бир дона.  
Туташ қош,  
ғилай кўз,  
Синиқ бурун,  
барзанги,  
Қиртишланган юз,  
Гўёки занги -  
Терговчи ҳўмрайди,  
маҳбус ғўмрайди...  
- Тўра, яъни Жасур,  
Шундайми, фуқаро?  
...Ҳоҳолаб  
килади ҳузур.  
- Шоирлараро  
кўрқмаси экансиз.  
Ҳа, азизим, гул ҳам  
бўлмас тикансиз...  
Сизда гуноҳ йўқ,  
фақат гувоҳлик.  
Айтинг-чи,  
рўйи-рост -  
Абдулҳамид Чўлпон  
ким?  
- Танимайман,  
кўрмаганман...  
- Такрорлайман...  
Жасур жим.  
...- Ахир у анжонлик,  
мен наманганликман.  
- Маъқул.  
Танийсизми,

Усмон Носирни?  
Жасур эди маст...  
- Мен ахир анжонлик,  
кўқонликдир ул.  
Қандоғам билайин,  
тўғри сўзим бул...  
- Айбингиз ҳам  
бўлмоқда тайин.  
Абдулла Қодирий  
Жулқунбой кимдир?  
- Қизиқ экансиз,  
бошлиқ.  
Водийликман мен...  
(Чиқиб қолди  
шу ерда бир иш:  
лирик чекиниш...  
Эҳ соддадил,  
равон тил -  
тўғри сўзлигим!  
Наҳот олди,  
ҳаёл ўзлигинг?  
Уч хил сўзлаб,  
ўзни тузлаб  
кўйдинга!  
Олиш керак тан...)  
- Уч бошли илонсан!  
Отиласан,  
тамомсан!  
Гоҳ анжонликман,  
гоҳ наманганликман,  
сўнгра водийлик...  
(Эвоҳ, курсина,  
шоирона оддийлик!)



- Фуқаро Зокиров,  
Сиз ҳозир  
икки йўлдасиз:  
аммо бизнинг  
қўлдасиз.  
Манави қоғозга  
чексангиз имзо -  
билингки,  
кушод -  
уйдасиз...  
- Ўқиб кўрсам,  
майлими?  
- Чўлпон-халқ душмани,  
Усмону Жулқунбой ҳам...  
- Сотқин дедими,  
Сизга  
бировлар мени?  
- Саволни мен бераман,  
қўл қўй, ма, қалам!  
(Даҳшатдан гангиб  
қоларкан одам...)  
Ўзин қўлга  
олади шоир.  
Бош тортади  
бармоқ босмоқдан.  
Терговчи  
мушт билан  
солади охир...  
Тизғиб қон оқади -  
ёқа, кўйлақдан.  
Бўйнига текканда,  
резина таёқ -  
шалвирар

қўл-оёқ.  
Ҳушин йўқотди Жасур.  
Йироқда қолганди  
кўзидаги нур.  
Элас-элас қулоқ  
эшитар:  
- Ур, ур, ур!..  
Киприқлар пичоғи,  
кўзни йиртади.  
Аста кетиб,  
туманлар тоғи -  
кўз олдида  
нурлар чопади...  
Панжара  
дока билан тўсилган.  
Ҳанжарга ўхшаган  
тувақдаги гул.  
Ёп-ёруғ хонада  
ёлғиз каравот  
Ёнида - якка бир жавон.  
Чойшаби наҳот оқ,  
Ҳайҳот!  
Ёстиқ ҳам парқувдан  
эди...  
Билмас у  
ўлган-ўлмаган...  
Манглай тери андак  
кўрқувдан эди.  
Туш эмасди бу ётиш.  
Ҳайратмасди бу қотиш...  
Аса  
хаста -  
туриб ўрнидан,



## САВТ

*Эй, Меҳри Кулол кўчасидан  
ўтмаганим, кел!  
Жасур.*

Тоғларга  
Худонинг  
Раҳмати тушди.  
Нуроний чўққилар,  
оқарди хаста.  
Дарахтлар чодиринг,  
меъморий раста -  
кўрпа-қор ёпиниб,  
заминни кучди...  
Норингдан айланай,  
севгилим, Гулхон.  
Бир умр ишқингда  
қилдингни сарсон?  
Бўтакўз, олма юз,  
ёноғи гулсум.  
Лаблари ақиқу  
покиза, гулгун.  
Келибмидинг  
пайҳон боғимга.  
Гуллар оч,  
Япроқни айлагил,  
зумрад шодалар.  
Тола соч -  
тўлғониб,  
тиконда қолмиш.  
Бир нафар  
илон тусини олмиш...

Майли, ўзинг сайлагил,  
гуллар сарасин.  
Афсус, қиш...  
Кўклам ҳали  
қўйнимда эмас.  
Ҳаёлан қўлларинг  
бўйнимда эмас.  
Ўз номим ўзимман -  
кезукман.  
Билгилки, аммо  
сезукман...  
Ҳавас бўлиб  
кирдингу  
қалбим қамрадинг.  
Аҳволимга сен ҳам  
кулиб қарадинг.  
Мен ўлиб бўлганман,  
Ўлдирма яна.  
Дуо қил руҳимга;  
сўлдирма яна.  
Бўтақора қирида,  
Қабрларнинг бирида -  
Ётибман чириб,  
Чиқмасман ахир,  
гўримни ёриб...  
Қўрқма, келақол,  
емайди арвоҳ.



Энди ҳам келмасанг,  
Баъд қилдим, эвоҳ!  
Ҳаётда тинч қўймай,  
қуйдирган эдинг.  
Ёндирдингми, яна  
ёш бошинг билан -  
ёй-қошинг билан...  
Ўт қўйдингми ё  
дўзахга тушмай?!  
Олмазор боғлару  
тоғлар тинч турсин.  
Андижон -  
«Тупроқхона»,  
Наманган -  
«Курашхона» -  
маҳаллам тинч турсин,  
Навоий боғин  
Гуллари  
Атрин уфурсин.  
Сухбатга келмасанг,  
ҳаттоки руҳан.  
Эй гўзал, Гулхон  
сенга тоабод,  
ҳажрим тупурсин!  
Тавбамни қабул эт,  
иззаи Мурраман.

Аллоҳим, қошингда,  
гуноҳкор тураман...  
Айбимни кечир.  
...Қора ўйлар,  
мендан нари кет.  
Бу лаънат -  
либосим ечир.  
Дилингни  
инжитдим...  
Ўзни тинчитдим,  
Телба ишин  
худо ўнгласин.  
Жиннини жинни  
деганлар  
Аҳдай тўнгласин.  
Ҳозирча ҳайр,  
айлармиз сайр -  
яна хаёлан.  
Сўйлашурмиз яна  
кеча тонглансин.  
Келақол, оқшом...  
Отақолгил, тонг...  
...Нурли, ёруғ кунлар,  
Шукр, ассалом...  
**1994-1998,**  
**Андижон - Тошкент.**



## ТҮРТЛИКЛАР

1.

Ўз тилимда дардимни тўка оламан,  
Ўз тилимда чокимни тика оламан.  
Етмиш йил тилларим тишлаб кун кўрдим,  
Тилимга тил текизманг, бука оламан!

2.

Висол дил амри-ла иқбол кучади,  
Чевар ҳоҳиш билан пибос бичади.  
Тақдири азалдан нолима, жоним,  
Қуш ҳам ўз тақдири билан учади.

3.

Эр жаҳлга минганда, кўзларингни сузиб бор,  
Уруфингга сўз айтсанг, кайфиятин сезиб бор.  
Муҳаддислар ўгити, билгил, ушбу гуноҳмас:  
«Отанг ишга буюрса, номозингни бузиб бор».

4.

Гўзаллар гўзали эди волидам,  
Ошиқлар ғазали эди волидам.  
Муслима, муниса, зийрак ва тийрак,  
Сўзлари мазали эди волидам...

5.

Нон талаб кимсага нонимни бердим,  
Қишда совқотганга тўнимни бердим.  
Отимни олганга тутдим гуноним,  
Шеърят мулкига жонимни бердим.



6.

Қаҳр ўқиға учсаму ногоҳ,  
Жаннат ичра тушсаму ногоҳ.  
Дўзах сари ўзни отардим,  
Унда кўрсам Сени баногоҳ.

7.

Май истаб қолди бир куни кўнглим,  
Ичганда топардим балки мен ўнгим.  
Шукур, ичолмадим, беҳад мамнунман -  
Қаршимда рубойи турар эди жим...

8.

Сен билан юришга ор қиламан, ор,  
Тиксалар ҳам мени ўлдиргали дор.  
Сен билан тушсам-да жаннат боғига,  
Дўзахга отгумдир ўзни, эй ағёр.

9.

Ҳовлиқмага ким маёқ тутқизар,  
Кишанларга доим оёқ тутқизар.  
Ақлинг бўлса, сўзим уқиб олақол,  
Тек турганга шайтон таёқ тутқизар!

10.

Дерлар: гул экканнинг хирмони бўлмас,  
Биргина теракнинг ўрмони бўлмас.  
Гул атрин таратган асли жаннати,  
Тераги борнинг ҳам армони бўлмас...



11.

Аслида ёмон ит беҳуда хурар,  
Одамнинг ёмони кечаси юрар.  
Азият чексанг гар, койи ўзингни,  
Бировни қарғасанг, ўзингга урар.

12.

Апломалар гўёки кўкдаги юлдуз,  
Илм нурида қилур кечани кундуз.  
Ерда, сувда, самода улар йўлчидир,  
Агар улар бўлмаса, йўлдан умид уз.

13.

Аёл хор оила ҳалокатдадир,  
Оёқ ости доим фалокатдадир.  
Бахтли аёл очилган бир гул мисол,  
Эр умри тоабат фароғатдадир.

14.

Чироқ шишасин қадоқчиси йўқ,  
Чилангар - жезчи, ямоқчиси йўқ.  
Дилнинг ойнаси бўлса чилпарчин,  
Ўлгунингча то алдоқчиси йўқ...

15.

Гулзор ичра кўриб қолдим из,  
Вужуд қақшаб, титрай бошлар тиз.  
Бир гунча синибди бандидан,  
Дардим уқиб олинг ўзингиз...



16.

Тиқ этди. Кўппакнинг кулоқлари динг,  
Зийраклик шунчая, дея фикр этдинг.  
Эҳ ошнам, не ҳайрат, бу - оддий ҳикмат:  
Зийрак бўлсин бу аср ҳаттоки итинг!

17.

Бировни ёмон деб чекманг арзият,  
Қазога судраса ҳамки вазият...  
Одамнинг ёмони бўлмагай асло,  
Ёмон қилган уни ёмон феъл фақат.

18.

Турганимда деманг, асли ўпоқдир,  
Ўтирсам гар яна, деманг сўпоқдир.  
Хунуқдан хунуқман, қораман, аммо -  
Мусаффо тонг каби ичим оппоқдир!

19.

Узун тун тўлғаниб қочади уйкум,  
Мижгонга зимистон ташлайди қуйкум.  
Гоҳ отда, гоҳ яёв ҳориган хаёл,  
Субҳидам тин олиб қолади бир зум...

20.

Кўплар икки нарса қадрига етмас,  
Кўплар икки нарса фарқига етмас.  
Бири соғлик, бири туман-бойликдир,  
Шу иккисининг демак нархига етмас...





21.

Субҳи содиқ ўнг қўлдан турмоқ фарз эрур,  
Ишим ўнгдан келсин деб қўйиш қарз эрур.  
Айб этманг чап қўлни, пок юмуши бор,  
Ул ила бор вужуд сарафроз эрур.

22.

Ёғ ичганда ёт яхши, қон ютганда қариндош,  
Қариндошинг йўқлагил, аразлама, отма, тош.  
Ётга бало ёпишур, туққан-туққан топишур,  
Бул пайгамбар ҳадиси: ўсма кетиб қолур қош...

23.

Эртак ҳақиқат бўлмаса агар,  
Патинжонингни ким бўябди магар?  
Ким очибди ахир булоқ кўзини,  
Юракнинг ўрнида турмас-ку жигар!?

24.

Бир атир совундек ювилиб кетдим,  
Бир тилик қовундек ейилиб кетдим.  
Буғ бўлдим, чўғ бўлдим, тутадим гоҳи,  
Барибир ҳаётда мақсадга етдим.

25.

Кимга завқли, кимга малолдир қуръа,  
Кимга ҳаром, кимга ҳалолдир қуръа.  
Чекинга тушдими, чекчаймагил сен,  
Гарчи рақибингга иқболдир қуръа.



26.

Рақибнинг мулойим тортганидан кўрк,  
Ўз айбин бўйнига ортганидан кўрк.  
Кулча бўлиб ётган захарли илон,  
Пойлаб туриб оғу отганидан кўрк...

27.

Қабристонда кўрдим қизғалдоқ,  
Фунчалари ёқут кўз балдоқ.  
- Қайдан пайдо бўлдинг? - десам, дер:  
- Отанг қалбин чўғиман, ўртоқ!

28.

Ҳамсоямнинг қолди ерда юки,  
Ҳеч бўлмади унинг бири икки.  
Сир бой бермас ҳеч кимсага,  
Қолмаса-да ҳатто бир туки...

29.

Нуқра ҳам, томчи ҳам, шабнам ҳам шаффоф,  
Тилло гардиши кўркам ойнам ҳам шаффоф.  
Дилим соф, кўнглим соф, ниятларим пок,  
Шундан балким менга олам ҳам шаффоф...

30.

Маҳзанлар кони экан тасаввуф,  
Билимлар уммони экан тасаввуф.  
Неларни мажбуран ўқиб юрибман,  
Асли илм макони экан тасаввуф.

31.

Волиданг соғинсанг, сингил - оғангни кўр,  
Гар улар бўлмаса, йўқла, ҳолангни кўр.  
Ўттиз амма йиғилиб бўлолмас она,  
Отангни соғинсанг, бориб тоғангни кўр...



32.

Дўстни дўстдан ажрата бил, меҳр-оқибат  
кочмасдан,  
Ошна бўлур ёру пулга, сезгил сиринг очмасдан.  
Ўртоқ билан ўртоқликнинг ўртасида парда бор,  
Синаб кўргил, ёр бошидан сийму заринг  
сочмасдан!

33.

Енг шимар, ота буюрса, сабри-ла,  
пур тобли бўл,  
Гар насиҳат қилсалар, сен, ерга боқ,  
одобли бўл.  
Орта олмассан вале, бил, ўлчамингдан  
бир қарич,  
Унутма, элда гап бор «Ким бўлсанг,  
инсофли бўл!»

34.

Аччиғинг чиқса ҳам ақлинг қочмасин,  
Жаҳлнинг балоси заҳрин сочмасин.  
Сен томон камида ўн кўз тикилган,  
Бири эмас, бири сиринг очмасин.

35.

Яхшига яхшилик инсонлар иши,  
Яхшига ёмонлик ёмонлар иши.  
Ўз айбин тан олган марди майдондир,  
Айбини яширмак нодонлар иши.



36.

Мард бўлсанг, юзма-юз тургил рақибга,  
Журъатинг сифмасин ҳатто таърифга.  
Пусиб орқасидан бошига урмоқ,  
Ярашур номардга, нокас харифга.

37.

Жаҳонда битта мен ҳунук эканман,  
Кўзи коса, бурни туйнук эканман.  
Ўзим қора, чўтир бўлсам-да, аммо -  
Ошна, сендан пича тузук эканман...

38.

Табиатни асло зўрламанг, деҳқон,  
Ер мезбону бизмиз аслида меҳмон.  
Табиий лаззатин бергувси доим,  
Вақти соатида униб чиқса дон!

39.

Ҳоҳи ўғил, ҳоҳи қиз қолдир, Инсон,  
Мозийда бир ўчмас из қолдир, Инсон.  
Юз йил кўрсанг умр, гўё беш кунлик,  
Эслашга арзирли сўз қолдир, Инсон!

40.

Серфарзанд отанинг бут бўлмас усти,  
Қизи кўп онанинг битмас кам-кўсти.  
Аслида ўтга тушма қуда-андадан,  
Ёмоннинг «дўсти» кўп, пиёзнинг-пўсти!



41.

Қайна́ли келин -қа́рқара келин,  
Қайна́сиз келин-масха́ра келин.  
Уй супурмай, сахар соч тараган,  
Гулчехра́мас ул-тасқа́ра келин.

42.

Мушук мову эшак ҳанги бўлади,  
Наша чеккан киши банги бўлади.  
Гиёҳванд, кўкнори соғлом фикрмас,  
Телбатоблар ичра «янги» бўлади...

43.

Фирром қассоб қўй деб сотар такани,  
Без чиқмаса, уялмай сўйиб тортар бақани...  
Тарози, тошини кавлаб, вазн бузар,  
Алдашдан тоймайди ҳатто ука-акани...

44.

Ҳалоллик-тўғри деб ўтдим дунёда,  
Текинхўр - ўғри деб ўтдим дунёда.  
Оқни оқ, қорани қора дедиму  
Умримда калтак еб ўтдим дунёда.

45.

Эй ағёр, бир умр эргашиб юрдинг,  
Дарду аламимга мийиқда кулдинг.  
«Посанги» экансан ҳаёт йўлимда,  
Бас, нечун сен мендан эртароқ ўлдинг?!



46.

Ўйлаб, чарх ишига ўйим етмайди,  
Чаёни чаён чақиб кетмайди...  
Гоҳ ёмон яхшини топтаб хўрлару,  
Нечун ёмон кўзи оқиб кетмайди...

47.

Етти қизнинг етакчиси, саккиз қизнинг сардори,  
Йўқ эканми қолганига лойиқ-қовул хардори...  
Аталаркан жаннати деб саккиз қизни чиқарган,  
Етиб бормиш падар-модар, бемадорлар  
қатори...

48.

Ўйчан, лол, булоққа кўз тикди шоир,  
Сув чунон тозаки, покликда тоҳир.  
Чашмага туш айтиб бўшатди юрак,  
Энди булоқ унга айта бошлар сир...

49.

Қаршимда қизил гул, масофамиз оз,  
Узурман, қўлимни чўзсам бас бир оз.  
Тиёншон тоғидай улкан тўсиқ бор,  
Кўринмас девор бу, ўтолмайман, рост.

50.

Гул баргида тонг, туннинг ёшлари,  
Фунча бағрида ҳаёт гавҳари...  
Ажабким, субҳидам булбулдан илдам,  
Балоғат тўйида изғир минг ари...



51.

Элсевар бўлмаган, бўлар элга хор,  
Киму нелиги ҳам беҳуда, бекор.  
Элсеварлар яшар чайир тут каби,  
Томиридан унган новдалари бор...

52.

Қалдираса чақмоқли момақалдирок,  
Қўзиқорин унармиш, дейишар ҳар чоқ.  
Умри қисқа унинг. Шу умрида ҳам -  
Табиат хизматин ўтайди бироқ...

53.

Қолмагани маъқул пул тўшак остида,  
Ҳаётда пишганлар бешак остида.  
Косаси оқармас қўли қинғирнинг,  
Одоблининг супургиси хашак остида.

54.

Юртимнинг еллари дилим аллалар,  
Тонглари боқаман ҳуснига ташна.  
Шабнам инган боғлар бағрига олар,  
Юр, бирга кирайлик боғимга, ошна!

55.

Ҳар неки хушласам, аълолиғ ўлди,  
Қай гулни ҳидласам, раънолиғ ўлди.  
Шукрим, Аллоҳга - беадад шукур,  
Ҳаётим камтарин, маънолиғ ўлди...



56.

Дейдилар: ҳар гулнинг ўзга ҳиди бор,  
Дейдилар: ҳар дилнинг ўзга диди бор.  
Туртаверма босиқ, тил-жағи йўқни,  
Бир куни илиқдан олар - ити бор...

56.

Юлдузга боқади доно мунажжим,  
Мозийга боқаман мен хаёлда жим.  
Хилма-хил ёзувни кечириб бошдан,  
Сабоғим сабоққа бўлди мутаржим!

57.

Қўш ҳўкизлик зийнат турмуш ичинда,  
Зил эмас оғир иш юмуш ичинда.  
Ёрсиз аёл дилин сезади ғариб,  
Юрса ҳам олтину кумуш ичинда.

58.

Галадан қолмасин жайрону қулон,  
Тор бўлур уларга саҳрою жаҳон.  
Жамулжам яшашда фазлу ҳикмат кўп,  
Танҳоликда умр кечмасин нолон.

59.

Инсонга хайрихоҳ бўлмак - садақанг,  
Ариқ, сойга кўприк қурмоқ - садақанг.  
Исроф - совурганинг ҳисобмас, балки  
Адашганни йўлга солмоқ - садақанг





60.

Биқиниб туради қинида пичоқ,  
Яхши ниятларга дастёрдир бироқ.  
Хушёр бўлгил, тўғри ушлагил уни,  
Бирон ишни яна қилмасин чатоқ!

61.

Ўзаллик арийди, дарё қурийди,  
Минг йиллик чўққи ҳам бир кун нурайди.  
Ёшлик хотироти тошга битилур,  
Қариллик ёшлиқдан тўзим сўрайди.

62.

Вайрон кўнгил дарзини нима билан ямайсан,  
Ўша кемтик билан, бил, бир умрга яшайсан.  
Таскин бермас ҳеч нарса, тасаллиси йўқ азал,  
Улоқда тугун қолур, гар жон билан уларсан!

63.

Бетобликда келмаганни бориб кўргайман,  
Менга тийин бермаганга эҳсон қилгайман.  
Бошимни ёрганни ҳатто ўпгайман қўлин,  
Жон чиқар пайти жағини танғиб қўйгайман...

64.

Ёмон бўлди доим икки томон қўшни,  
Топмади ҳеч қўшнилардан омон қўшни.  
Узоқдаги қариндош келгунича,  
Ўлгач, жағин танғди, ўша ёмон қўшни...



65.

Ёшлиқда нималар кечмас бу бошдан,  
Инсон боши қаттиқ бўларкан тошдан.  
Омад келиб кетар бир меҳмон экан,  
Замин тўймас экан тўкилган ёшдан...

66.

- Хаёлим, ҳақиқат билан бир боқ-чи,  
Асрдан асрга не-нелар ўтди?  
- Сен ҳали томчининг мингдан бирисан,  
Томчиман, дейолмай Гейнелар ўтди...

67.

*Холажоним Комилахонга*

Тушимда тишларим тўкилиб кетди,  
Ўнгимда дил чоки сўкилиб кетди.  
Сарв эди менинг ҳам сен каби қаддим,  
Қавмимни йўқотиб, букилиб кетди...

68.

Гулидийда қўйганман кенжам исмини,  
Бузганман китобнинг мозий расмини.  
Кўзларин гул қилган чевари Эгам,  
Тоабад сақласин гуллар фаслини!

69.

Қовок солиб қарар ким ёру дўстга,  
Тупроқ тортмоқ демак меҳрин устига.  
Оқибатда ҳикмат, шафқатда гап кўп,  
Кўз оқиға ёз буни ёки пиёз пўстига...



70.

Ўтган ўтди, энди кўзинг ол,  
Эркин, янгроқ байроқ сўзинг ол.  
Келажаги буюк юртингда,  
Эккил-тиккил, ризқи-рўзинг ол!

71.

Истиқболга йўл олди Мустақил юрт кемаси,  
Бугдой, пахта мўл бўлди, тўкин бўлди меваси.  
Туркий сўзим рост эрур, бу қаламга равийдир,  
Навоий сўзлаган бу - Андижоннинг шеваси...

72.

Шоти - нарвон, новча - найнов, помидордир -  
        потинжон,  
Бизда челак - пақирдир, минг шукур қил, хотинжон.  
Макон бошқа дил бирдир: Фарғонаю Намангон...  
Исмига жон кўшишар, менинг номим Одилжон...

73.

«Келдик» сўзин «келдимиз» десанг, ғалат туюлди,  
«Масхара қилмагил» деб, қош-қовоғинг уюлди.  
Адабий тил биттадир, сўйларвергил уйингда,  
«Қоидага амал қил фаросат-ла» дейилди.

74.

Балки халқнинг қонидан минглаб шоир унади,  
Қадим-қадим ҳикмат бу. Эмасдир сир: унади.  
Ҳар биридан ёмбили «кон» чиқмаса ҳам бироқ,  
Ҳар бир шоир қалбида сўз - жавоҳир унади.



75.

Билки, ажриқ қирқ йиллаб ётса лайлак уяда,  
Магар шамол учириб, қолиб кетса қояда.  
Ерга тегиб қолсаю ёни, юз йил ўтгач ҳам,  
Кўқарармиш ҳаттоки қатра намсиз сояда...

76.

Нигоҳ солиб кўзимга, кўзларинг олдинг,  
Андаккина қизарган юзларинг олдинг.  
Бир пайтлар дардинг олган ранглар чехрани,  
Танимадинг ёки атай англамай қолдинг...

77.

Қақшамовдим ҳаёт отам олганда,  
Йиғламовдим ажал онам олганда.  
Ўқсиб-ўқсиб йиғлаб тонглар оттирдим,  
Бир кун илтимосга куним қолганда...

78.

Уч юз йил сўнг кўлингга олиб китобим,  
Хаёлга чўмурсан, балким ҳайрон, жим.  
Шунда мени асло қоралай кўрма,  
Авлодимнинг авлоди бўлган ўқувчим!

79.

Бу дунё шунчалар бағри тош экан,  
Инсон унга гўё бир тўптош экан.  
Супуриб отаркан, илиб оларкан,  
Ташлаб ҳам кетаркан, бебардош экан...



80.

Қўлимда қоғозим, фишт деб юрибман,  
Олсаму бошланур иш деб юрибман.  
Нақд пулга сотишиб, мени суришар,  
Олма пиш, оғзимга туш деб юрибман.

81.

Виждонни бир чақа пулга сотдилар,  
Шумғиялар ҳадсиз томир отдилар.  
Нафси очлар кирпин ютиб тескари,  
Лаънат ботқоғига ботдилар.

82.

Бир танишим ёндию сўнди,  
Эврилдию даврага кўнди.  
«Тез ўчишдан ўзинг сақлагин» -  
Деган ташвиш кўксимга кўнди!

83.

Бойлик - дўстдир, бир куни душман,  
Қувонма у «бевафо қуш» ла...  
Ташлаб кетар дилни, яхшиси:  
Сен ҳунарнинг тизгинин ушла.

84.

Дарё доим тўлиб оқурми,  
Жуфтинг доим кулиб боқурми?  
Гуллар сўлур, тўкилгай япроқ,  
Тун ойбалдоқ доим тақурми?



85.

*Усмонжон Шукуровга*

Мен кўрганман бойнинг хазон пулини,  
Шу пулларнинг бир кун қолган кулини...  
Мен кўрмаган зарра дилинг кўзида,  
Заҳмат-ла чизибсан Қорнинг гулини!

86.

Китоб ичра кўрдим битта барг,  
Хаёл баҳри этди мени фарқ.  
Дазмол урган каби қовжироқ,  
Яшиллигин лек қилмабди тарк!

87.

Тунлар эди ойдин, ёп-ёруғ,  
Кунлар қуёш нурига қоруғ.  
Ногоҳ булут келмоқда, қара,  
Чақмоқ урди кўк кўксига тиғ!

88.

Сендан бўса олган сарин ел,  
Мен билан ҳам бўлиб кетди эл.  
Димоғимга бўйинг келтирмиш,  
Сабо каби ўзинг илдам кел...

89.

Терсалар ҳам ошда тош бўлар,  
Ош билан тош «кўзу қош» бўлур.  
Хоҳла тергил, хоҳла термагил,  
Курмак, гудра билан мош бўлур...



90.

Бугун ҳам тонг қадар келмади уйку,  
Кундузи карахт ҳам қилмади уйку.  
Қалбим уйғоқ, ўзим сергак, бедорман,  
Энди толиққанним билмади уйку...

91.

Кулги уйида ўзин кўрсатди кўзгу,  
Дўстимнинг ангори ўчиб кетди кув...  
Тўғри, ойна олдида туфлар кўксига:  
- Қинғир-қийшиқликдан сақлагил, ёху!..

92.

Ноҳақлик олдида туролмайман жим,  
Асабим тортилар, фикрлар тишим.  
Йўлимдан қайтмайман, тийиб қўяман,  
Нокас, номардларни етганча кучим!

93.

Лафзидан қайтувчи мунофиқ одам,  
Эътирозинг тинглар, лоқайд хотиржам.  
Субутсизлик бир кун қайтса ўзига,  
Ўтмишин ўйламай, хафа бўлар ҳам...

94.

Юракдан самимий саломим менинг,  
Қашшоқман, лек ширин каломим менинг.  
Она сути билан кўчган бу одат,  
Аввал салом, сўнгра инъомим менинг...



95.

Жир битганга тор келади шим,  
Эт кўйдим деб қотади бошим.  
Озиб кетдим мисоли чўпдай,  
Ўз бошимга тушгач ўз тошим!

96.

Мени заҳар деганнинг ўзи заҳар,  
Ёмон деганларнинг сўзи заҳар.  
Шу икки иллат агар бўлсайди менда;  
Кўйлакка сифмасдин юрмасдим магар...

97.

Кўлингга тушарман бир кун гул бўлиб,  
Ковушинг артарман ёхуд кул бўлиб.  
Ётурман ҳар лаҳза висолингга зор -  
Юрар йўлларингда ёниб кул бўлиб.

98.

Соқол кўйган билан қариб қолмайсан,  
Дунё ташвишларидан ариб қолмайсан.  
Ё қиртишлаб муртинг, ёшман демагил,  
Асли ғариб эдинг, ғариб қолгайсан...

99.

«Ваҳобийман» деб қабр тошин синдирдинг,  
Пайғамбарни тан олмай, кўнглинг тиндирдинг.  
«Жиннининг қасди бўлар масжидда» дерлар,  
Ўз номингга яна бир тавқни кўндирдинг...





100.

Аҳмоқ билан шартлашма, шартни билурми?  
Иблис, номард ҳеч қачон мардни билурми?  
Бир қориндан туғилдинг, борар жойинг бир,  
Асли танаси бошқа дардни билурми?

101.

Чегаралаб кўйди ёринг: «Келмайман!» - деб,  
«Бўлди энди, сени ортиқ билмайман», - деб.  
Жон узилмай туриб қолди кўмакайда,  
«Рўбарўмда сен бўлмасанг, ўлмайман», - деб...

102.

Ажаб дунё, ажаб дунё, жуда ажаб,  
Ҳаёт ўзи тарбиялар, берур адаб.  
Тураверсанг бўш измага боқиб ҳайрон,  
Либосингга ким бераркан тугма қадаб...

103.

«Кўшнилардан тўйдим», - деди бир кун кўшним,  
Деди: «Гапим ўта маҳфий сир...» - кўшним.  
Энди мендан ҳадик қилиб юрибдиммиш -  
Отилмаган камон билан тир кўшним.

104.

Фиҷожақнинг пардасин соғ топар зўрға,  
Ҳеч не эмас топмоқ аммоки кўрға.  
Фиҷожақда камон бор, қулоқ ва харрак,  
Ноласин уққанлар юраги зўр-да!



105.

Қўшни кулди умр бўйи қўшнисига,  
Қўйнидаги тўкилди деб қўнжисига.  
Ўз бошига тушди бир кун унинг ҳоли,  
Ямоқ топмай қолди эски-янгисига.

106.

Ягонайти ул малоҳат боғида,  
Кўплар қолди бул симбар доғида.  
Хазон резги «кўрпа» «совға қилган» кун,  
Эримас «қор» пайдо бўлди бош-«тоғи»да...

107.

Бошимиздан бизнинг ҳам анча ишлар ўтибди,  
Гоҳ даҳшатда қоврилиб, ёзу қишлар ўтибди.  
Бўлар иш бўлди энди, нолимагил ҳаётдан,  
Шукур, Хурлик! Барча тушлар ўтибди...

108.

Одил Эгам ҳадсиз ёмонлик кўрди,  
Андиша, сабрда омонлик кўрди.  
Шукрона айтади яхши-ёмонга,  
Яхшилар қалбини имонлик кўрди.

109.

Дуторни эски деб суришди нари,  
Санъатга суқилди гитаралари...  
Мен қарши эмасман, сенинг созингга,  
Ўзбекча созинг-ла сен «қўша қари...»



110.

Боғларда олу ҳам зардоли пишди,  
Алёру анжиру шафтоли пишди.  
Димоққа уфурди ананас иси,  
Лайли наҳор дил меҳнат бодасин ичди...

111.

Лоланинг кўзидан томди қатра ёш,  
Тик боқиб оламга тез кўтарди бош.  
Билинар-билинемас титрар барглари,  
Ҳижолат чекаман, томоғимда тош...

112.

Бир киши ўладир, кўмар тўрт одам,  
Тобут оёғи ҳам тўртта, бил, болам.  
Ёмонни айтмасдан, келмас яхшилиқ,  
Бурч бажарсанг асло бўлмагайсан кам!



## ТУЮҚЛАР

1.

Дедилар: «Хаёлот кўлида сузма,  
Таом тайёр, кўлга кафгир ол, суз, ма.  
Ибрат ол чаккидан, осма қозикда -  
Осилиб, оқибат бўлади сузма!

2.

Фамзали қош қоқиб, кўзларинг сузма,  
Човли ол, кафгирда жиззани сузма.  
Юрагим жиззадир, виждон иззадир,  
Севгида қилдинг-ку ачиган сузма...

3.

Нима учун бунинг номидир лола,  
«Бугун бор, эртага йўқ», - арабча: по-ла...  
Кесилган бошми ул, йиртилган байроқ,  
Лола узра менинг забоним лол-а?

4.

Шудгорга босилди яна сихмола,  
Меҳрингни бермагил, бойлигу мола...  
Пул топиб, лек ақл топа билмаса,  
Дейдилар: «Эҳ, эссиз бунчалар мол-а?!»

5.

Якка отдан дерлар чиқмас асло чанг,  
Ёлғиз киши охи гўё куюн, чанг...  
Юз буровдан, парчин пўлат симлардан,  
Бунёд бўлар ахир дилнаволи чанг!



6.

Пок одам этганда тутади пайванд,  
Келин ва куёв зурёдга пайванд.  
Темирга темирни, олтинга олтин,  
Чўянга сен мисни айла-чи пайванд?!

7.

Олтмиш беш ёш қутлуғ ва улуғ сана,  
Ёв келдими тўйга, ошнами, сана...  
Эсингни йиғиб ол, дўст-душман дунё,  
Кенгроқ бўл, азизим, бунча торсан-а.

8.

Қайноқ чой хўпладим, босиб ва босиб,  
Оғзим куйиб-куймай, қора тер босиб.  
Совуқ ҳам хўпладим, мўътадилни ҳам,  
Оқибат ўтибман не йўллар босиб...

9.

Тоза қилмас дастинг бир-икки чайқов,  
Розилик билдирмас, бошини чайқов...  
Ҳар ишни гувоҳли, хужоат билан қил,  
Ҳаёт эмас ахир, тужжора-чайқов!



## МУНДАРИЖА

Кўнглим дафтари.....	3
Уйғониш. Варрак.....	4
Бобур.....	5
Менсиз.....	6
«Дил».....	7
«Усма кўяр...».....	8
Йиғлайверсин. Қумқайроқ.....	9
Суваат.....	10
Билпур нуқралар.....	11
Дарз «Тўксон тушди...».....	12
Ибрат.....	13
Шотут билан дардлашув.....	14
Қизғалдоқ.....	15
«Кутиш деган...» «Сутга чайилгандай...».....	16
Сел.....	17
Ҳақиқат. Абадий шараф.....	18
Дастурхон узра. «Катта эди...».....	19
Ташнаман.....	20
«Яхшиликка...» Уфқ ортида.....	21
«Яшин урди...» БоғиЧўлпон.....	22
«Яшил майса...».....	23
Ҳасби хол.....	24
Мунаввар этди.....	25
Ойимқиз.....	26
Шукрона.....	27
Устакордан қоч.....	28
Ўзи хунук.....	29
Дилга жо.....	30
Кутар.....	31
Кулгай.....	32
«Ҳар кимники...».....	33
Бизга-чи.....	34
Айирдилар.....	35
Ой юз.....	36
Мингадан биттадир.....	37
Жасур (достон).....	38
Тўртликлар.....	53
Туюқлар.....	76



Адабий-бадий нашр

*Одил ЭГАМ*

**БИЛЛУР НУҚРАЛАР**

*(Шеърлар, поэма ва тўртликлар)*

Мухаррир:  
Мусаввир:  
Техн. муҳаррир  
Мусаҳҳиҳ:

Пўлат Абдулла  
Низом Ҳолиқов  
М. Мирзакаримова  
М. Усмон



Босмахонага 2005 йил 11 апрелда берилди.  
Босишга 2005 йил 29 апрелда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 5,25 б/т  
Буюртма № 745 Адади: 650 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Андижон нашриёт-матбаа»  
ОАЖ босмахонасида босилди.